

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

У.Ҳамдамов	
Истиқлол даври ўзбек романлари рамз поэтикасига чизгилар (Аҳмад Аъзамнинг “Рўё ёхуд Ғулистонга сафар” романи мисолида)	198
О.Холматов	
XX аср Ғарб прозасида “Йўқотилган авлод” муаммоси	202
Г.Ҳайдарова	
Собир Абдулла ижодида Алишер Навоий аънаналари	205
Ҳ.Раҳматжонова	
Аваз Ўтар сатирасида тадрижийлик	210
Н.Мўминова	
Халқ инонч айтимлари хусусида	213
А.Муҳиддинов	
Тилнинг генетик ва ижтимоий негизли парадигмасининг транзитивлиги	216
Д.Юлдашева	
Болалар нутқида лакуна ва унинг ифодаланиши	219
Ҳ.Сотвалдиева	
Мақоллар ва уларнинг лингвистик хусусиятлари	222
Н.Ҳамраев	
Даврий нашрларда тил тараққиётига доир илмий ёндашувлар таҳлили	225
Ш.Асқарова	
Ўзбек-немис билингвизмида интерференция ҳодисалари	228
З.Тўйчиева	
Ўзбек тилида исм танлаш масалалари	232
Р.Ҳамдамов	
Интернет-маркетинг терминларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ўзбек тилида ифодалаш муаммолари	235
Д.Исроилова	
Нофилологик олий таълим муассасаларида талабаларни ўқитиш жараёнида маданиятлараро компетенцияни шакллантириш	238
Ф.Анварова	
Чет тили илк ўрганувчиларида юзага келадиган муаммоларни бартараф қилишда машқлардан фойдаланиш	242
	ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ
Зулматда зиё излаган юксак салоҳият соҳиби	245
Мукаррам инсон ёди	248
	БИБЛИОГРАФИЯ
Библиография	250

УДК: 811.512.133:59

ЎЗБЕК ТИЛИДА ИСМ ТАНЛАШ МАСАЛАЛАРИ
ВОПРОСЫ ВЫБОРА ИМЕНИ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ
THE ISSUES OF CHOOSING NAMES IN UZBEK LANGUAGE

Тўйчиева Зулайҳо Ҳамрақуловна¹

¹Тўйчиева Зулайҳо Ҳамрақуловна

– Гулистон давлат университети, ўқитувчи.

Аннотация

Ономастика, унинг антропонимика йўналиши Ўзбекистонда ҳозирга қадар исмлар мажмуининг статистик жиҳатларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Исмуносликнинг назарий аспекти устидаги тадқиқотлар эндигина бошланаётгани ушбу мақоланинг долзарблигини ва мақсадини белгилайди.

Аннотация

До настоящего времени научные изыскания в области ономастики в целом, и в узбекской антропонимике в частности, сводились к полной статистической систематизации имен. Что касается теоретических аспектов антропонимики, только сейчас появляются отдельные исследования, которые не охватывают всю полноту проблемы.

Annotation

Up to date the scientific research in the area of onomastics in whole and in Uzbek anthroponymy in particular, was reduced to full statistical systematization of names. As for theoretical aspects of anthroponymy there arise investigations which do not separate cover all the completeness of the problem yet.

Таянч сўз ва иборалар: ономастика, антропоним, социолингвистика, мотив, мотивация, номинация, исм танлаш удуми, аташ мотивацияси, мотиватив маъно, бирламчи маъно, иккиламчи маъно, семантик асос.

Ключевые слова и выражения: ономастика, антропоним, социолингвистика, мотив, мотивация, номинация, обряд выбора имени, мотивация называния, мотивированное значение, прямое значение, переносное значение, семантическая основа.

Keywords and expressions: onomastics, anthroponym, sociolinguistics, motive, motivation, nomination, name choosing rite, naming motivation, motivated meaning, primary meaning, indirect meaning, semantic basis.

Атоқли отлар ўз генезисига кўра тилнинг энг қадимий, яшовчан ҳамда турғун қатламларидан биридир. Исмлар ўтмишда кўп асрлар давомида аждодларимиз томонидан яратилган ва бизга тарихий-лисоний бойлик сифатида етиб келган улкан, маданий ва маънавий қимматга молик бўлган луғавий қатламдир. Исмларда, уларнинг яратилишида ўзбек халқининг ўтмиши, орзу ва интилишлари, ижтимоий ва диний-фалсафий қарашлари, урф-одатлари, эътиқод ва ишончи ўз ифодасини топган.

Ўтган давр мобайнида ўзбек антропонимларининг луғавий ва маъновий хусусиятларини ўрганиш бўйича қимматли тадқиқотлар юзага келди. Ўзбек исмларининг изоҳли ва имловий луғатларига оид тадқиқотлар ҳам (Бегматов, 1965; Сатторов, 1990; Раҳимов, 1998) ана шундай ишлар ҳисобланади.

Маълумки, кишиларга қўйилган исмлар уларни танлаган шахслар фаолияти, оилалар даврасидаги изланишлар маҳсулидир. Болага

исм беришни ҳам одатда ота-оналар, оиланинг яқин кишилари амалга оширади. Бинобарин, исмларни яратувчилар, уни танловчи, истеъмолга киритувчилар республикамизнинг турли минтақаларида яшайдиган кишилардир. Шу сабабли исм бериш, исм танлаш, исм русуми (модаси) ҳудудлараро, оилалараро фарқланади. Бир гуруҳ исмлар бир ҳудудда сеvimли бўлса, иккинчи гуруҳи бошқа ҳудудлар учун сеvimлидир. Чунки ҳар бир ҳудудда исмни танлаш удуми ва исм танлаш диди фарқланади. Бундай фарқларнинг ҳудудий – миллий расм-русумлар, маданий-маънавий, диний дунёқарашлар билан боғлиқ омиллари мавжуд. Шунга кўра, ўзбек исмлари истеъмолга киритилиши, номлашда қатнашиши даражасига кўра фарқли томонларга эга. Бу исмларнинг қўлланиш, яшаш хусусиятини кўрсатувчи функционал томонлари ҳисобланади.

Ўзбек киши исмларини тадқиқ этишда уларнинг қўйилишига сабаб бўлган ҳолатлар масаласи умумий ономастика назарияси ва

амалиёти нуқтаи назаридан нисбатан кам ўрганилган. Бу масала атрофида ўзбек исмлари мажмуини тўплаш, нашр этиш муносабати билан илова қилинган тадқиқот ишларида айрим мулоҳазалар учрайди. Хусусан, исм қўйишда фарзанднинг соғлом ўсиб улғайиши, бахтли ҳаёти, кучли-қудратли бўлиши, гўзаллиги, хулқ – атворининг яхши бўлиши каби орзу-умидлари асосий мотивация сифатида қайд этилган [1,3].

Киши исмлари номинацияси (соғда қилиб айтганда, кишига исм қўймоқлик) инсон томонидан узлуксиз равишда табиат ва жамиятни ўрганиш, ўзи учун ундан манфаатдорлик излаш жараёнидир [6,236]. Табиат ва жамият ҳақидаги билимлардан ташқари, киши исмини қўйишда муайян жамиятнинг маънавий дунёси ҳам алоҳида роль ўйнайди. Шу сабабли ўзбек исмлариининг мазмун доираси таснифий турларга бойлиги ва хилма – хиллиги тадқиқотларда алоҳида қайд этилган [7,3-14].

Атоқли отлар ўзбек тили луғавий бойлигининг таркибий қисмларидан биридир. Ўзбек ономастикаси ҳозирда анча ривож топган соҳа бўлиб, ўзбек антропонимлари, топонимлари, гидронимлари, этнонимлари тадқиқи бўйича Э.Бегматов, Н.Хусанов, А.Гафуров, Я.Менажиев, Х.Азаматов, Д.Абдурахмонов, С.Раҳимов, Р.Худойберганов каби олимлар томонидан анчагина ишлар амалга оширилган. Улар орасида имсларнинг мотивацияси билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ҳам бор. Шулар асосида мақолада ўзбек антропонимларининг лексик-семантик ва мотивацион маъноларини, социолингвистик жиҳатларини тадқиқ қилиш ва унинг натижаларини илмий умумлаштириш мақсади қўйилган. Шунга мувофиқ мақолада ўзбек антропонимиясининг семантик хусусияти, мотивацион асослари, ўзбек исмлариининг номинатив, структурал, функционал, социолингвистик ўзига хос томонлари кузатилиб, антропонимларга хос лисоний, этнолингвистик, социолингвистик белгилар аниқланди.

Уларни ўрганишда лексик - семантик, структур каби лингвистик ва анализ, синтез каби умумий методлардан фойдаланилди. Маълумки, ҳар қандай номнинг, жумладан, исмнинг пайдо бўлишига омил бўлган сабаб, асос фанда мотив, нарса ва ҳодисаларни муайян мотивлар асосида номлаш – номинация деб юритилади. Номнинг муайян мотивга эгаллиги мотивланганлик, мотив учун асос бўлган белги, ҳолат, тушунча

“мотификатор”, “мотивема” деб юритилади [8,23].

Киши исмлари тилнинг муҳим қатлами бўлиб, уларда исм эгаларига нисбатан турли – туман муносабатлар мужассамдир. Бу ўринда аввало киши исмлариининг тил бирлиги эканлиги, унда муайян маъно ифодаланиши, ниҳоят, ушбу маънонинг айрим олинган шахс билан боғлиқ сўз – тушунча – субъект доирасидаги муносабатлар чизиғи муҳимдир.

Киши исмлари (антропонимлар)нинг катта туркумини бирламчи ашёвий маънога эга сўзлар ташкил қилади. Масалан, Темир/Темур, Пўлат/Пўлод, Олмос, Ханжар, Қилич, Ўроқ, Болта, Ой, Қуёш, Олтин, Кумуш ва бошқалар. Уларнинг бирламчи маънолари майдони табиатда ва турмушда мавжуд нарсалар тўғрисидаги тушунчалардан ташкил топган. Уларнинг киши исми сифатида амал қилишида, аввало, тушунча, сўнгра объект ва ниҳоят исм эгасига ўтгач, асл луғавий маънодан ажралиш, айрим субъект билан боғлиқ атоқлилик вазифаси юзага келади. Сўзнинг бирламчи луғавий маъноси нейтраллашиб, ўз кучини йўқотади ва исмнинг ижтимоий маъно ифодаси билан луғавий маъно ўртасида “узилиш” рўй беради. Шундай ҳолатни Фердинанд де Соссюр сўзнинг ташқи қиёфаси ва амалдаги маъно ташувчилиги ўртасидаги бинар ҳодиса деб баҳолаган эди. Яъни сўзнинг бирламчи маъноси предмет ёки ҳодисани айнан билдирса, иккиламчи маъноси исм эгасини кўзда туттади. Бу тилшуносликда турдош отнинг атоқли отга айланиши сифатида ҳам талқин қилинади.

Таҳлил асосига исмнинг бирламчи луғавий маъноси билан антропонимик атоқли отлик ҳолати ўртасидаги семантик муносабатлар тадрижи масаласини қўйиш баъзи назарий умумлашмалар учун қулай имконият беради. Зеро, исм қўйишнинг қадимдан давом этиб келаётган анъанавий усулларида семантик асос ашёвий тушунчадан бошланиб, ривожланиш давомида ушбу асосдан “ажралиши” кузатилади. Оқибатда, киши исми жаранглаганда, бирламчи маънодан узилган субъект маъноси фаоллашади. Бу ҳолат аксарият исмлар учун хосдир. Масалан, Гўзал исми қизнинг номи ишлатилганда “*гўзал, сулув, чиройли*” каби бирламчи маънога ишора деярли сўнади. Яъни шу номли киши сўзнинг бирламчи маъносида кўзда тутилган хислатга албатта эга, дегани эмас. Қаҳрамон исмининг бирламчи маъноси ва унинг субъект билан муносабати тўғрисида ҳам шундай дейиш

мумкин. Бу ўринда исм танлашга асос бўлган ҳолат муҳимдир.

Худди шу усулда айрим ўзбек исмларининг бош луғавий маънолари ва антропонимик амалий ҳолатини кўриб чиқамиз: Арслон (-бек, -бой), Бўри (-бой), Чарос, Бинафша, Райҳон, Қундуз (-ой, -хон, -бек) каби исмларда бир қарашда луғавий маъно билан ассоциатив алоқа бордек кўринади. Бироқ, исмдан фойдаланиш амалиётида ушбу боғлиқлик сезилмайди, нейтрализацияга учрайди.

Киши исмларининг мотивацион таҳлилида турли эмоционал (ҳис – туйғуга хос) омилларнинг экспрессив таъсирчанлигига эътибор қаратиш масаланинг моҳиятига яқинлаштиради. Бу ҳақда А.Гумбольдтнинг “Сўз ўзи атаган предметнинг ваколоти бўлавермайди”, - деган жумласи айни масалага дахлдордир. Чунки, мотивацион яхши “таъминланган” исмларнинг субъектлари ўзлари билан бир умр бирга бўлган исмларига муносиб бўлмайдиган ҳолатлар кўп учрайди. Масалан, Гўзал исмли қиз-аёл айнан “хушрўй, гўзал, сулув” бўлмаслиги мумкин. Баъзан Шахло исми қийиқ кўз, бодомқовоқ қизларга қўйилади. Ботир исмли одам, албатта, ботир бўлиши лозим, дегани эмас ва ҳоказо.

Исмларнинг мотивациясининг таҳлили шуни кўрсатдики, антропонимик мотивация даврга боғлиқ равишда ўзгарувчан хусусиятга эга. Ижтимоий ҳаёт, сиёсий жараёнлар, маънавий муносабатлар исм танлашга таъсир қилади ва бу жараёнда ўз изини қолдиради. Бунда “...исмларга исмдан фойдаланувчи жамиятнинг муносабати муҳимдир” [9.241]. Ушбу тўхтамдан келиб чиқиб, исм танлашда учраган айрим характерли ҳолатларга эътибор қаратайлик:

Октябрь, Хужума, Колхозбек, Коммуна, Гагарин, Владлен, Марк, Сталина каби исмлар ўз даври сиёсий воқеалари заминиди мотивациялашган. XX аср сўнггида маънавий ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар ўзбек исмлари мотивациясига маълум даражада

таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, ислом анъаналарига мувофиқ исм танлаш ҳолатларининг тез –тез учрай бошлаши кузатилмоқда. Таркибида Муҳаммад исми бўлган қўшма отлар (Муҳаммадқодир, Нурмуҳаммад, Муҳаммаднодир, Муҳаммадюсуф ва бошқалар), Нур-, -нур компонентли исмлар шулар жумласидан. Кейинги пайтларда қиз болаларга Хадича, Ойша исмларини қўйиш тез – тез учрамоқда. Ҳолбуки, бу исмлар эскирган исмлар деб амалда учрамай қолган эди [7,3 -14].

Антропонимикада номинация ва мотивация ҳодисалари ўзаро узвий алоқадор, доимий ҳаракат - ўзгаришдаги ҳамда даврдан-даврга такомиллашиб боровчи категориялардир. Бироқ, тилдаги ҳар қандай сўз исм вазифасига ўтавермайди. Сўз исм вазифасида қўлланиши учун исм қўйиш жараёнида кўзда тутилаётган мақсад ва мотивга, социолингвистик талабга жавоб бериши керак. Ўзбек антропонимикасида от, сифат ва феъл каби сўз туркумларидан ҳосил қилинган исмлар асосий ўрин тутаяди. Эркаклар ва аёлларга бериладиган исмларда бир хил мотивли номлар мавжуд. Аммо ушбу мотивни ифода этаётган исмнинг апеллятив асосида маълум фарқланишлар мавжуд. Мана шу фарқ баъзи эркаклар исмининг аёлларга берилмаслигида, аксинча, аёлларга бериладиган баъзи исмларнинг эркакларга қўйилмаслигида кўринади. Масалан, Наргиза, Меҳринисо, Умида – аёллар исми, аммо Равшан, Ботир, Жасур эркаклар исмидир. Демак, эркаклар ва аёллар исми исми ҳосил қилган апеллятивларга кўра фарқланади. Бу эса киши исмларининг қўйилиш маънолари танлаш асосларини гендерологик асосда долзарб масала бўлиб, антропонимик мотивация жараёнига янада чуқурроқ кириб бориш имкониятини беради. Зеро, киши исмлари бу жиҳатдан айниқса ранг-баранг мотивацион маънолари билан характерланади. Бироқ бу алоҳида тадқиқот мавзусидир.

Адабиётлар:

1. Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари. – Т.: Шарқ, 1991.
2. Бегматов Э.А. Ўзбек исмлари маъноси. – Т.: ЎзМЭ, 1998.
3. Бегматов Э.А. Антропонимика узбекского языка: автореф. дисс... канд... филол. наук. – Т.: 1965.
4. Сатторов Ф. Ўзбек исмларининг туркий қатлами: филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 1990.
5. Раҳимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси: филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 1998.
6. Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – М.: Наука, 1973.
7. Никонов В.А. Современный именник узбеков // Сб. Вопросы ономастики. – Самарканд. 1971.
8. Наумов В., Ген. Явление мотивации слов в системе диалекта (лексический аспект). – Томск, 1985.
9. Гумбольдт В.А. О развитии строения человеческих языков. Хрестоматия по истории языкознания XIX – XX вв. -М.: Наука, 1977.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)